



УДК: 581.6: 631.5: 633.88.

ДОРИВОР МАВРАК ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА “ПЛАНТАСТИМ” МОДДА ҚЎЛЛАШНИНГ ТАЪСИРИ

Рузметов Умид Исмаилович

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

umid_ruzmetov@mail.ru

Улугова Сафаргул Файзуллаевна

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

safargul.ulugova.78@mail.ru

Тўхтамуродова Мухлиса Бахтиёр қизи

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти докторанти

Аннотация: Мақолада доривор маврак ўсимлигини етиштиришида уларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддадан фойдаланиш самарадорлиги кўриб чиқилади. Шу билан бирга доривор маврак (*Salvia officinalis* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишидаги биометрик кўрсаткичлари таъсири аниқланди. Плантастим моддасининг мақбул меъёрда фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Калит сўзлар: маврак, агротехника, плантастим, ўсимлик, парвариш, ўсиши ва ривожланиш жадаллиги.

Annotation: The article examines the effectiveness of the use of substances that control their growth and development in the cultivation of medicinal plants. At the same time, the influence of biometric indicators on the growth and development of medicinal salvia (*Salvia officinalis* L.) plant was determined. The use of Plantastim substance in an optimal amount leads to an increase in their effectiveness.

Key words: *salvia officinalis*, agrotechnics, plant stem, plant, care, growth and development speed.

Кириш

Дунё давлатларида доривор ўсимликларни етиштириш, кўпайтириш, мавжуд генофондни сақлаш, бойитиш, доривор ўсимликларни табиий ва маданий усулда кўпайтириш масаласи энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, фармацевтика саноатини ривожлантириш ва доривор ўсимликлар хом ашёси асосида табиий дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Сўнгги йиллари дунёда доривор тирнокгул, мойчечак, эхинацея, маврак ўсимликларининг хом ашёсини тайёрловчи етакчи мамлакатлар тупроқ шароитида, уруғдан экиш меъёри, етиштириш агротехнологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига хом ашё ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада доривор ўсимликларнинг хом ашёси ҳосилдорлигини оширишда зарур озиклантирувчи модда, минерал ўғитлар ва бошқа муҳим агротехник



тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1], 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги [2], 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3] қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот объекти ва услубияти. Тадқиқот объекти сифатида доривор маврак ўсимлиги олинди. Тадқиқотлар давомида доривор маврак ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига “Плантастим” моддасини турли меъёрлари ва нисбатларининг таъсири ўрганилди. Тадқиқотларда лаборатория ва дала тажрибалари, фенологик, морфологик, биометрик, экологик ва статистик услублардан фойдаланилди. Биометрик ўлчов ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар (Борисова, Бейдеман [4], Пономарев, Зайцев [5], Ярош, Терехин ва б.) ҳамда Давлат стандартлари бўйича амалга оширилди. Дала тажрибалари Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида (2020-2021 йй.) ўтказилди. Тажриба майдонининг тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатламининг гумус миқдори 0,80%, азот миқдори 0,085%, фосфор 0,125%, калий миқдори 0,490%ни ташкил қилди [6].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Сирдарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароити Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи “плантастим” модда қўллашнинг доривор маврак ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига “Плантастим”-доривор ўсимликларга асосан, шоналаш ва ғунчалаш даврларида икки марта илдизи орқали озиклантирилади. Тадқиқотларда озиклантирувчи модда плантастим 10 литр сувга 50, 100, 150, 200 мл микробиологик биостимулятори қўлланилди. Доривор маврак ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига “плантастим”нинг турли хил меъёрларининг таъсирига кўра, назорат вариантда ўсимликнинг бўйи 16,9 см; поя диаметри 3,5 мм; иккинчи вариантда 18,8 см, поя диаметри 3,8 мм; мақбул учинчи вариантда 26,7 см, поя диаметри 5,7 мм; тўртинчи вариантда ўсимликнинг бўйи 24,2 см, поя диаметри 4,6 мм, бешинчи вариантда бўйи 19,3 см, диаметри 4,1 мм бўлиши кузатилди. Озиклантирувчи модда плантастимнинг хар хил меъёрлари билан қўллаш ўсимликнинг назоратга нисбатан бўйини 1,5 баробарга, яъни 157% га, тана диаметри 1,6 баробарга, яъни 162% кўрсаткичларда бўлди (1-жадвал).



1-жадвал.

Маврак ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишидаги биометрик кўрсаткичлари (Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги)

Вариантлар	Ўртача, M±n H-бўйи, см D-диаметр, мм	Σ	V	n	Назоратга нисбатан %	t	p
Назорат	H 16,9±0,14	1,01	6,02	0	100	2,4	0,9
	D 3,5±0,09	0,61	17,62	0	100,00	0,5	2,5
50 мл	H 18,8±0,17	1,23	7,31	0	111,77	2,7	0,9
	D 3,8±0,09	0,62	17,88	0	108,55	0,5	2,3
100 мл	H 26,7±0,14	0,99	5,86	0	158,15	3,8	0,5
	D 5,7±0,12	0,83	24,03	0	164,61	0,8	2,1
150 мл	H 24,2±0,34	2,38	14,11	0	143,84	3,4	1,4
	D 4,6±0,11	0,81	23,35	0	133,43	0,7	2,5
200 мл	H 19,3±0,18	1,30	7,74	0	114,54	2,7	1,0
	D 4,1±0,15	1,05	30,43	0	119,34	0,6	3,6

ХУЛОСА

Сирдарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида етиштирилган маврак ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи “плантастим” моддаси 1000 мл/га меъёри шоналаш ва гунчалаш даврларида икки марта илдизи орқали озиклантириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрел “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш” чора-тадбирлари тўғрисида №ПҚ-4670-сонли қарори. –Тошкент, 2020.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябр “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4901-сонли қарори. –Тошкент, 2020.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан



кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-251-сонли қарори.
–Тошкент, 2022.

3. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. – Новосибирск: Наука, 1974. – С. 154.

4. Зайцев Г. Н. Фенология травянистых многолетников. М.: Наука, 1978. – С. 149.

6. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти. ҚХ-А-ҚХ-2018-109 илмий лойиҳасининг оралиқ ҳисоботи. “Asteraceae оиласига мансуб истиқболли доривор ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш”. –Тошкент, 2018 йил.